

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

“Ўзэкспомарказ” да VII халқаро ихти-  
сослашган  
“UzMedExpo –  
2014” тиббиёт  
кўргазмаси очилди.  
Тадбир Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги, Савдо-  
саноат палатаси,  
Тошкент шаҳар  
хокимлиги, “Дори-  
дармон” акциядор-  
лик компанияси,  
“Ўзфарманоат”  
давлат акциядор-  
лик концерни ва  
бошқа ташкилотлар  
томонидан “EG  
Uzbekistan” халқа-  
ро кўргазма компа-  
нияси кўмагида  
ташқил этилди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Кўргазманинг очилишида Пре-  
зидентимиз Ислам Каримов раҳ-  
намолигида тиббиёт муассасала-  
рининг замонавий тармоғи яратилиб,  
энг илғор ускуналар билан  
жихозланаётгани самарасида  
Ўзбекистон аҳолига тиббий хизмат  
кўрсатиш сифати бўйича дунёда  
ги етакчи мамлакатлар сафидан  
жой олгани таъкидланди.  
Давлатимиз раҳбарининг 2011  
йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақ-  
лаш тизимини ислоҳ қилишни яна-  
да чуқурлаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги қароридан белгиланган

вазифалар босқичма-босқич амал-  
га оширилаётгани натижасида тиб-  
биётнинг замонавий ютуқлари ва  
даволашнинг илғор усуллари амал-  
лиётга кенг жорий этилаётган.  
Кўргазмада замонавий тиббий  
технологиялар, дори-дармон, ультра-  
тратовуш, рентген аппаратурлари,  
физиотерапевтик ва кардиологик  
жихозлар, стоматология асбоб-ус-  
куналари, диагностика ва лабора-  
тория жихозлари, дезинфекция, сан-  
нитария-гигиена ва реабилитация  
воситалари, тренажёрлар, тиббиёт  
кийимлари ва ортопедик маҳсулот-

лар, мебеллар, дорихоналар учун  
ускуналар тақдим этилаётган.  
– Мазкур кўргазмада уч юз тур-  
дан зиёд тиббий ускуна ва жихоз-  
ларни намойиш этмоқдамиз, –  
дейди пойтахтимиздаги “Ab Form  
System” корхонаси директори Ил-  
хом Хасанов. – Корхонамизда ши-  
фохоналар учун мебел жихозлари  
ишлаб чиқариш билан бирга  
хориждан реабилитация ускуна-  
лари, рентген, МРТ ускуналарни  
олиб келамиз. Бунда Президентимиз-  
нинг 2007 йил 19 сентябрдаги  
“Соғлиқни сақлаш тизимини

ислоҳ қилишни янада чуқурлашти-  
риш ва уни ривожлантириш Дав-  
лат дастурини амалга ошириш-  
нинг асосий йўналишлари тўғри-  
сида”ги фармони муҳим ҳуқуқий  
асос бўлмоқда. Унга кўра тиббиёт  
ускуналарига бўлганчи буюмлар,  
эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган  
материалларни олиб келувчи  
ташкilotларга солиқ ва божхона  
имтиёзлари 2018 йилнинг 1 январига  
узайтирилган.  
2014 йилнинг мамлакатимизда  
Соғлом бола йили деб эълон қили-  
ниши фармацевтика саноати кор-

хоналари зиммасига ҳам катта  
масъулият юклатди. Шу боис, дори  
воситаларини ишлаб чиқарадиган  
барча корхоналар мамлакатимиз ва  
жаҳон фармацевтикасининг ютуқла-  
рини чуқур эгаллаш, уларни амал-  
лиётга самарали қўллашга алоҳи-  
да эътибор қаратмоқда. Бу ички  
бозорни сифатли дори-дармонлар  
билан таъминлаш, соҳада янги иш  
ўринлари ташқил этиш, экспорт  
ҳажмини ошириш орқали мамла-  
катимиз иқтисодиётини янада ри-  
вожлантиришга хизмат қилмоқда.  
(Давоми 2-саҳифада)

### ИНЧЕОН – 2014



## АНТОН – КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

ИНЧЕОН. ЎзА махсус мухбири Мехрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Истеъдодли гимнастикачимиз Антон Фокин XVII ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига яна бир кумуш медаль келтирди.

Спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган финал беллашувларида Антон Фокин билан биргаликда қитъанинг 8 мамлақати гимнастикачилари голиблик учун кураш олиб борди. Юртдошимиз брусда мураккаб машқларни муваффақиятли бажариб, 15.475 балл тўплади. Бу мусобақанинг энг яхши натижаларидан бўлиб, Ўзбекистонлик спортчиға шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кун натижалари бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида 4 кумуш ва 7 бронза медали бор.

Анвар ИЛЁСОВ олган сурат.

### Самарқанд Вилояти

## САМАРҚАНД САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИ МЕЗБОНИ

Шу йилнинг 1-4 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташқилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ушбу нуфузли тадбирга тайёргарлик жараёни ҳамда вилоятда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз борди.  
Унда таъкидланганидек, айни пайтда вилоятда тўрт минг ўринли тўқсонга яқин меҳмонхона, олтидан ортиқ сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил бошидан бўён юз мингга яқин хорижлик ва эллик минг нафардан ортиқ маҳаллий сайёҳларга

хизмат кўрсатилди.  
Самарқандга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг сонини кўпайтириш ва уларнинг қизиқишларини янада орттириш мақсадида вилоятда экотуризм, агро ва геотуризм каби турларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда Ургут туманидаги “Юкори чинор”, “Минг арча” дам олиш масканлари, Самарқанд туманидаги Оҳалик ва Миронкул қишлоқлари худуди, Нуробод туманидаги “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳи ва Жомбой туманидаги “Зарафшон” кўриқхонаси ҳамда Пахтачи туманида

нидаги “Добусия” қальаси атрофида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.  
Халқаро анжуман қатнашчиларини муносиб кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, вилоят бўйлаб сайёҳлар ташқил этиш, транспорт хизмати кўрсатиш каби йўналишлар бўйича 11 та кичик гуруҳлар ташқил қилинган.  
Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан иборат гид-экскурсоводлар, таржимонлар билан машғулотлар олиб борилмоқда.  
Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.  
Нуриддин БОЛИЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябрдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоуллубек АБДУСАЛОМОВ ЎзА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, бўлажак сайлов қандай ташқил этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.

– Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, – дейди М.Абдусаломов. – Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунда мустақамланган ҳар кимнинг давлат

ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.  
Айни пайтда сайлов тизимининг тақомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқарши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган тўб ислохотларнинг муҳим самараларидан биридир.  
Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам сезиларли равишда ошди.  
Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустақам асос яратди ва сайлов жараёнини ташқил этишга жалб этилган барча тузилмалар зиммасига катта масъулият юклатди.  
– Миллий сайлов тизимида мустақамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.  
– Мамлакатимизда сайловлар-

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан тадбиркор ва фермерлар учун форум ташқил этилди.


## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ФОРУМ

Унда Ўзбекистон Республикаси Ақлий вакиллик кенгаши ижроия кўмитаси вакиллари, партиянинг Парламентдаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк масъул ходимлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.  
Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур сайё-ҳаракатлар самараси ўларок, юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ички ва ташқи бозорга сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга юксак натижаларга эришилмоқда.  
Қиёсий рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бугунги кунда кичик бизнеснинг мамлакатимизда янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши қарийб 56 фоизни ташқил этиб, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ваҳоланки, истиклолимизнинг илк даврида хусусий секторнинг янги ички маҳсулотдаги улуши атиги 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташқил этар эди.  
Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишда турли ижтимоий тўловлар, хусусан, солиқ юқининг сезиларли даражада қаматириб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, кейинги ўн йилни олиб қарайдиган бўлсак, фойда солиғи ставкаси 18 фоиздан 8 фоизгача, кичик

корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови 13 фоиздан 6 фоизгача қаматирилди. Натижада сўнгги ўн йил давомида хусусий секторда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2 баробарга ортди.  
Албатта, бундай натижаларга эришишда юртимиз қонунчилигида олиб борилаётган изчил ислохотлар муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, кейинги уч йилда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликка янада кенг имкониятлар беришга доир Ўзбекистон Республикасининг 15 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазиirlар Маҳкамасининг 20 дан зиёд қарорлари, 89 та бошқа идоравий меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.  
ЎзЛиДеП депутатлари ўзининг сайловолди платформасидан келиб чиқиб, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда) ҳамда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ўндан ортиқ қонунларнинг қабул қилинишида фаол қатнашди.  
Форумда тадбиркор ва ишбилармонларнинг жамиятда тутган ўрнини янада қучайтириш, соҳага оид ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш, хусусий сектор манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга доир ишлар партиянинг кейинги фаолиятида ҳам муҳим вазифа бўлиб қолиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, партия жорий йилги сайловолди дастурида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттириш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.  
Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

фақат қонунга бўйсунди. Ҳокимият тузилмалари, жамоат билармаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашшига ҳар қандай уринишлар тақиқланди.  
Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташқил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.  
Сайловларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро таъриба ва мамлакатимиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилик, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташқилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мустақамланган.  
(Давоми 2-саҳифада)





Форишнинг қора қишмиши

Форишнинг шираси тилни ёрадиган узуму майизларини нафақат республикамизда, балки кўшни мамлакатларда ҳам яхши билишади. Деҳқонлар меваларнинг тақдорларини тоғ иқлими ва ер таркиби билан боғлайдилар. Худудда тоқ ишқомларга осилмайди, ер бўйлаб ўстирилади. Узумчилик худуддаги қишлоқлар аҳолисининг асосий даромад манбалиридан бири саналади. Шундан бу ерда яшовчилар соҳа сирларини пухта ўзлаштириб олишган. Туманда асосан қора қишмиш етиштирилади. Бунинг сабаби шу навадан Форишнинг махшур майизлари олинди. Шунингдек, хусайни, хўраки, оқ ва қора тойфи, қизил сайфи ҳам етиштирилади.

Мижн қишлоғида яшовчи Абдусалом Абдурахмоновнинг 25 сотихлик томорқасида ўсаётган 450 туп тоқнинг 180 тупи қора қишмишдир. У тоқзордаги барча ишларни икки ўғли кўмағида амалга оширади. 32 йил мактабда ўқитувчилик қилган Абдусалом ака пенсияга чиққан, боғдорчилик билан шуғуллана бошлади. Ёшлиқдан бу ишнинг ҳадисини олганлиги сабаб, баракали ҳосил кўтармоқда. Ҳар йили узуму майизнинг ўзидан 7-8 миллион сўм даромад қилаётир.

Қора қишмиш 3 йил деганда ҳосил беради, - дейди Абдусалом Абдурахмонов. - 10 йилда унинг ҳар тупидан ўртача 50 килограмм узум олинади. 50 килограмм узумдан 25 килограмм майиз оلسа бўлади. Тоқларни 20 мартдан 1 апрел оралғида очамиз. Шундан сўнг уларнинг тағи 20 сантиметр чуқурликка юмшатилади. Кейин жўяқ олинади ва ҳар туп бўйлаб 4-5 килограммдан чиринди ташланади. Апрель ойида бир марта сугорилади. Мана шу сув тоққа йил давомида ета-

ди. Сувни булоқдан оламиз. Май ойида ҳосилсиз шохларнинг ҳаммаси кесиб ташланади. Шундан сўнг августнинг иккинчи ярмида ноябргача ҳосил йиғиб олинади. Мезон кириши билан хомтоқ қилинади. Ҳосилсиз (узун) бўғинлар кесиб ташланади, ҳосил берадиган қалта бўғинлар қолдирилади. Октябр-ноябрь ойида, новдалар мезон шамолни егандан сўнг қўмилади. Бунинг учун шохлари кесилган тоқ новдалари ўралади ва устига тупроқ ташланади. Айтганча, тоқзорни чорва оралашидан сақлаш керак. Мол ёки қўй тиши теккан тоқ ривожланишдан тўхтайд.

Форишлиқлар узумни "кунаки" ёки "сояки" усулда қуритишади. Биринчи усулда узум очик ҳавода, иккинчи усулда эса хона ичида қуритилади. Бунинг учун узум бандидан осиб чиқилади. Ҳосил 15-20 кунда қурийд.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туманда 1 минг 437 гектар тоқзор мавжуд. Шундан 284 гектари 17 та фермер ҳўжалигига қарашлидир. Туманда етиштирилаётган узумнинг 80 фоизини қора қишмиш ташкил этади.

Сўнгги йилларда узумчиликка катта эътибор қаратилаётганлиги сабаб туманимизда боғ ва тоқзорлар ҳудуди изчил кенгайиб бормоқда, - дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бош мутахассиси Холдор Тоғоев. - Жумладан, бу йил баҳорда 10 гектар маҳаллий боғ, 2 гектар интенсив мевазор ҳамда 4 гектар тоқзор барпо этилди. Жорий йилнинг кузи ва 2015 йилнинг баҳориди 31 гектар маҳаллий боғ, 23 гектар интенсив мевазор ҳамда 21 гектар тоқзор яратилади. Олинаётган ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Чунотчи, айни вақтда 200 тонналик сизимга эга совиткич барпо этилмоқда. "Абдувоҳид Соҳибқор" фермер ҳўжаси раҳбари Абдували Темиров эса мева ва сабзавотларни қуритиш, қадоқлаш чеҳи фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўраётир.

Туманда яратилаётган боғлар учун кўчат етиштириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар аҳоли даромадларини ошириш, дастурхонлар тўқинлигини таъминлаш учун хизмат қиляпти.

Алижон АБДУСАТТОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Анжижон Вилоят

ТАДБИРКОРГА КўМАК, ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ҳамон ўз салбий оқибатларини кўрсатиб турган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш суръатлари намоён бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида узоқни ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишни, барқарор ривожланиш ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминляпти.

Андижон вилоятида амалга оширилаётган яратувчанлик, бунёдкорлик ишларида "Агробанк" АТБ томонидан ажратилган 93 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига 5 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Бу ерда бир ой давомида 1500 метрдан зиёд мато ишлаб чиқариш режалаштирилиб, тайёр маҳсулотларни харидорларга буюртма асосида етакачи бериш кўзда тутилган. Корхонанинг ойлик айланма маблағлари 18 миллион сўмни ташкил этади. Мана шундай истиқболли тармоқларни йўлга қўйишда бугунги дориламон кунларга шукрона айтасан, киши. Негаки, мустақиллик шарофати билан бошланган эзгу ва мақсадли ишларимиз кенг қулоч ёймоқда. Замонавий, ихчам корхона ва фабрикалар банк кўмағи билан ишга тушаётир. Орзуларимиз рўёбга чиқаётир.

Бугун фермерлик ҳаракати қишлоқни тараққий эттиришда етакчи қучга айланмоқда. Тадбиркор, ташаббускор, изланувчан деҳқон фермерларнинг ҳаракати билан қишлоқда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этиляпти, янги хизмат кўрсатиш ва саноат объекти қуришга ташаббус қилинади. "Агробанк" АТБнинг Андижон вилояти бошқармаси филиаллари томонидан асосан саноат, кичик бизнес, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, маиший ва хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа тармоқларни тараққий эттиришга йўналтирилмоқда. Ажратилган банк кредитлари эвазига худудлар ободлиги кўзга кўринади таъминланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб, кўшимча иш ўринлари барпо этилишига эришилмоқда.

Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити боис, тадбиркору ишбилармонлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга қаратилаётган эътибор фаолиятимизда қўл келмоқда, - дейди Андижон туманидаги "Маҳдиябону текстиль" хусусий корхона раҳбари Муҳаммаджон Латифжонов. - Аввало, аҳоли талаб ва эҳтиёжини пухта ўрганиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсад қилидик. Шундан сўнг ихчам, талаб ва тақлифга мос бизнес-линия туздик. Бизнес-линия банк жамоасига маъхул келди. Корхонага хомашё ва зарур

тўқув дастгоҳлари келтириш учун банкдан кредит маблағлари ажратилди. "Агробанк"нинг Андижон филиали томонидан ажратилган 93 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига 5 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Бу ерда бир ой давомида 1500 метрдан зиёд мато ишлаб чиқариш режалаштирилиб, тайёр маҳсулотларни харидорларга буюртма асосида етакачи бериш кўзда тутилган. Корхонанинг ойлик айланма маблағлари 18 миллион сўмни ташкил этади. Мана шундай истиқболли тармоқларни йўлга қўйишда бугунги дориламон кунларга шукрона айтасан, киши. Негаки, мустақиллик шарофати билан бошланган эзгу ва мақсадли ишларимиз кенг қулоч ёймоқда. Замонавий, ихчам корхона ва фабрикалар банк кўмағи билан ишга тушаётир. Орзуларимиз рўёбга чиқаётир.

Бугун фермерлик ҳаракати қишлоқни тараққий эттиришда етакчи қучга айланмоқда. Тадбиркор, ташаббускор, изланувчан деҳқон фермерларнинг ҳаракати билан қишлоқда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этиляпти, янги хизмат кўрсатиш ва саноат объекти қуришга ташаббус қилинади. "Агробанк" АТБ томонидан иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, соҳада ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни кенгайтириш мақсадида миқозларга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатишмоқда.

Айни пайтда вилоятда муҳим мавсум - пахта йиғим-терими жадал давом этмоқда. Пахтакорларимиз етиштирган пахта ҳосилини саранжомлаб, эл хирмони-

ни юксалтириш йўлида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бу жараёнда ҳам молия муассасаси уларга камарбаста бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Давлатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор имтиёз ва преференциялар жорий этилди. Банк томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда, - дейди Пахтабод қурилиш ва коммунал коллежи битирувчиси, яқна тартибдаги тадбиркор Шохсанов Юлдошева. - Ана шундай имтиёзлардан унумли фойдаланиш мақсадида "Агробанк"нинг Пахтабод филиалига тақдим этган бизнес-лоийҳама маъхулланди. Ажратилган 4,8 миллион сўм миқоридидаги микрокредитга аёллар гўзаллик салонини ташкил этдик. Сармоа самарасида 2 та иш ўрни яратилди. Ихчам ва шинам гўзаллик саломи бир ой давомида 120 дан зиёд миқозга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Келгусида ҳам банк мададида суянамиз.

Умуман олганда, Соғлом бола йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига, фермер ҳўжаликларида кўшимча тармоқлар яратилишига молиявий кўмак кўрсатиш, улари ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш банк жамоасининг асосий тамойилидир. Энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминляйдиган, барқарор иқтисодий тараққийга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар доимо эътиборда.

Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 7 сентябрдаги 759-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро вилояти Жондор тумани «Зарафшон» ҚФЙ Тобагар аҳоли пункти ҳудудидан қўйиладиган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

- 1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ажратилган 3 та 100,0 кв.метрдан иборат ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 41 334,00 сўмдан.
2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ажратилган 3 та 60,0 кв.метрдан иборат ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 24 800,40 сўмдан.
3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ажратилган 3 та, 50,0 кв.метрдан иборат ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 20 667,00 сўмдан.
4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ажратилган 3 та, 40,0 кв.метрдан иборат ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 16 533,60 сўмдан.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топширмиги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топширмиги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Талабгорлардан буюртманомалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади ва 2014 йил 27 октябр кун соат 18:00 да тўхта-тилади. Талабгорларнинг конвертлари Жондор тумани ҳокимлиги биносиди 2014 йил 28 октябр кун соат 11:00 да очилади, 2014 йил 28 октябр кун соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносиди тақлифи энг яхши деб этироф этилган талабгор голиб деб топилади. Юқоридидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 28 октябрда-

SOTILADI: QOQ'OZ OFSET 55,70, 80 gr. ETIKOVANKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr. MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr. QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr. QOQ'OZ QORCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr. Shuningdek, QALIN QOQ'OZ SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr. DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr. «ABSOLVUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi Mahsulotlar sertifikatlangan Xizmatlar litsenziyalangan +99895 194-00-14, +99898 362-91-11

ПРОДАЁТСЯ: БУМАГА ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр. ЭТИКОВАНКА (UPM Финляндия) 80 гр. МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр. УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр. МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр. А также, КАРТОН ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр. ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр. Услуги оказываются: ЧП «ABSOLVUTE BUSINESS TRADE» Товары сертифицированы Услуги лицензированы

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистика, солиқ, молиявий ҳисобларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, республика ҳудудидаги нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш, улари таъмирлаш фаолияти билан шуғулланиш юзасидан, уларга қарашли нефть-газ объектиларида ўрнатилган технология жараёнлари ва технология асбоб-ускуналари аҳолининг амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқлиги бўй-

ча техник қўриқдан ўтказиб, ҳулоса бериш, шунингдек, қурилиш, реконструкция қилиниши ва мукамал таъмирланиши тугаллангандан сўнг йилига 100 000 метр кубдан кўп ҳажмда табиий газ истеъмол қилувчи корхоналарга, қурилмаларни комплекс синаб қўриш ва режим-созлаш ишлари ҳамда табиий газ восита сифатида қўлланилган ҳолда газ қувурларини тозалаш ишлари учун газдан фойдаланишга рухсатномалар олиш юзасидан «Ўздавнефтегазинспекция» доменидидаги info@uzngi.uz электрон почта ва Ягона давлат интерактив хизматлари порталида махсус ташкил этилган шахсий кабинет орқали мурожаат қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтаимиз. «ЎЗДАВНЕФТАГИЗИНСПЕКЦИЯ» МАЪМУРИЯТИ

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь. Гарантия Лизинг Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров. Тел.: (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь. Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09.

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники. Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров. Тел.: (99895) 170-32-52, (99893) 377-13-95.

Реклама ва эълонлар

Қашқарарё Вилояти

1 ОКТАБЬР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ЭЛ ИЧРА ЭЪТИБОР ТОПДИ

Инсон умри унинг ҳаётда қолдирган изи, савоб ва эзгулик ила йўғрилган ишлари билан баҳоланади. Суюн Ортиқов ўзининг 70 йиллик умрини соғлом турмуш тарзи тарғибот-ташвиқотиға бағишлаган инсонлардан. Ҳозирги кунда ҳам эртаммиз эгалари — ўғил-қизлар камолоти йўлида фидойилик кўрсатяпти.



Фузул тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шомурод Донаев билан суҳбатимиз спортимиз жонқуярларига бориб тақалганда, у устоз-мураббий, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Суюн Ортиқов номини алоҳида тилга олди. Суюн ака туманимизда спортни ривожлантиришда катта хизмат қилаётган устозлардан бири, — дея таъкидлаган экан, унинг ибратли ишларига асосий эътиборни қаратди. Уз фаолиятини мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаган Суюн ака болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, раҳбарга бўлиб ишлаган кезларида кўплаб ёшларни спортга ошно этди. Сув полоси бўйича ёшлар ўртасида Европа чемпиони Элғизар Эшпардаев, энгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони ва совриндорлар Ольга Дмитриева, Анжелла Ҳуронова, Людмила Шаталова сингари унаиб ёш спортчилар илк сабоқни Суюн Ортиқовдан олишган. Мен спортда нимага эришган бўлсам, бу, энг аввало, соғлом турмуш тарзига бўлган меҳр-муҳаббатим натижасидир, — дейди Суюн Ортиқов. — Болалигим қийинчилик билан ўтган. Отам иккинчи жаҳон урушида вафот этган. Онаизорим

отамнинг жангу жадаллардан омон қайтишини истаб, исмиمنى Суюн деб қўйган. Отам урушдан қайтганда барчамиз суюниб, қувонайлик деган маънода ана шу исм билан атаган. Туман марказидаги 1-мактабни тамомлаб, "Ватанларвар" ташкилотиде йўриқчи бўлиб ишладим. Сўнг жисмоний тарбия техникумида таҳсил олгач, тумандаги 21-умумтаълим мактабиде ўқитувчилик қилдим. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде фаолиятим қалбимда муҳрланиб қолди. Педагогик ўқиш бўйича туман, вилоят, республикадаги фаол иштироким амалиёт билан назарий билим йўғинлигини таъминлади. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида собиқ "пахтакор"чилар Владимир Федоров, Михаил Ан, Александр Корчёнов, Анатолий Могильныйлар билан бир қурода таълим олдим. Гурӯх сардори сифатида улар билан суҳбатлашиб турардим. Айниқса, Владимир Федоровдаги юксак ақл-заковат, Михаил Андаги аниқлик, Александр Корчёновдаги ҳозиржавоблик ва тезкорлик, Анатолий Могильныйдаги зийраклик фазилатлари барчамизни қийил қолдирди. Суюн Ортиқовнинг кейинги йиллардаги фаолияти бевосита

футбол билан боғланди. Дўсти, "чарм тўп" фидойиси, марҳум Эшмурод Чоршандиев билан "Фузур" футбол жамоаси таркибиде тўп сурди. Сўнгги йилларда мураббийлигида Фарид Черняков, Ренат Арслонов, Умар Қурбонов, Қаҳрамон Қомиллов, Ибодулло Қудратов, Анвар Остонов, Олим Гафуров, Қайом Жўраев, Йўлдош Сатторов, Эркин Бозоров, Собир Раҳмонов, Рустам Қурбоновлар билан вилоят, республика мусобақаларида голиблик шохсупасига кўтарилди. — Мустақиллик ҳаётимда туб бурилиш ясади, — дейди Суюн Ортиқов. — Республика бўйича ўтказилган "Йил ўқитувчиси" танловиде голиб бўлдим. Шунингдек, кўплаб спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлашга баҳоли қудрат хисса қўшдим. Туманимиздаги 1-мактабда сузис ҳавзасини барпо этдик. Футбол бўйича ҳаваскорлар клубини ташкил этиб,

14 та маҳалла ўртасида туманимиз биринчилигини уюштирдик. Бундан ташқари, мактабга тарбия муассасалари учун 20 дан ортиқ жисмоний тарбия ва спорт бўйича тавсиялар, "Ассалом, спорт!", "Бонажонлар — спортга!" мусобақа дастурларини яратдик. Натижасида туманимиздаги мактабга тарбия муассасаларида спортнинг 8 та тури бўйича мусобақаларни ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳа, Суюн ака Ортиқов болаларга футболдан меҳр билан сабоқ берган, унинг сир-асрорларини кунт билан ўргатган, мурғак қалбларнинг эпчил, қаққон ва соғлом бўлишларида фидойилик кўрсатётган устоз мураббийлардан бири. У 2005 йилдан бошлаб тумандаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Болалар спорт мажмуаси)да йўриқчи бўлиб ишлади. Кейинчалик 1999-2000 йилларда тузилган болаларга футболдан сабоқ берди. "Футбол гунча-

лари" деб номланган бу кичик жамоа вилоят, республика миқёсидаги беллашуларда муваффақиятли иштирок этди. 2010 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда совринли ўринни қўлга киритди. Устоз мураббий 2012 йили туманда ташкил этилган футбол федерациясининг ташаббускори. Бундан ташқари, у туманда илк бор қизлар футбол жамоасини ташкил этишда бош-қош бўлганлардан бири. — Инсон доимо юксакликка интилиб ашайди, — дейди Суюн Ортиқов. — Доимо янгиликка интилиш ютуқлар омили бўлади. Айни пайтда туманимизда "Парвоз" баскетболчилар жамоасини ташкил этганмиз. Бу жамоа 2013 йилда туман, 2014 йилда эса вилоят чемпиони бўлди. Мақсадимиз мамлакат миқёсидаги беллашуларда бош соврин соҳиби бўлишдир. Ана шу юксак туйғу бизни олдинга бошламоқда. Бундан ташқари, Фузур марказий стадиониде суҳандон бўлиб ишлаш билан бирга туманимизда чоп этилаётган "Янги ҳаёт", "Фузур ҳаёти", "Истиқлол нури" газеталарининг ҳам фаол қаламқаси сифатида кундалик янгиликларни маҳаллий матбуот саҳифаларида ёриштиришга ҳаракат қилганмиз. "Фузур" спорт фидойилари" деб номланган рисолам эса китобхоналар қўлига етиб бориш арафасида турибди. Дарвоқе, фидойи меҳнат ўз қадр-қимматини топади. Суюн Ортиқовнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги заҳматли меҳнати эътироф этилиб, Президентимизнинг Фармони билан "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди. Бу юксак ишонч жонқуяр мураббийни янги марралар сари янада руҳлантиряпти.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Акмал АЗИМОВ олган сурат.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг озонни емирувчи моддаларни истеъмолдан тазлик билан чиқариш бўйича қўша лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди.

## ОЗОН ҚАТЛАМИНИНГ ИШОНЧАЛИ ХИМОЯСИ

Сайёрамизнинг озон қатламини қайта тиклаш ва химоя қилиш бўғунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Озон қатламини химоя қилиш тўғрисида Вена конвенцияси ва Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколи ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ халқаро миқёсда озонни емирувчи моддалар ишлаб чиқариш ва фойдаланишни қисқартиришдан тортиб то уларни тўлиқ тақиқлашгача бўлган жараён давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Бахтиёр Абдусаматов ва бошқарув Президентимиз раҳнамолигида озон қатламини химоя қилиш бўйича халқаро ҳужжатларда белгиланган зарур чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит

Пойтахтимизда Ўзбекистон физика жамяти, Тошкентдаги Турин политехника университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида муқобил энергетикани ривожлантиришга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## «ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА» — КЕЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКАСИ

Унда соҳа олим ва мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, талабалар иштирок этишди. Анжуманда қайд этилганидек, анъанавий энергия истеъмولى охиб бораётган айна пайтда экологик хавфсиз энергия манбаларини яратишга эътиёж кучаймоқда. Уларни энергетика тизимига жорий этишнинг энг мақбул йўли — «яшил энергетика» дея номланган муқобил энергия манбаларидан фойдаланишдир. Мамлакатимизда бу борада катта салоҳият тўпланган. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониға биноан Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси ин-

ститутини, "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасида қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган қўша корхона, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эға қуёш фотоэлектрик станцияси ташкил этилди. Ўзбекистоннинг бу борада эришаётган ютуқлари ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди. Анжуманда Ўзбекистон шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётга жорий қилишнинг илмий, инновацион ва экологик жиҳатлари муҳокама этилди. Мазкур йўналишда эришилган натижалар таҳлил қилинди, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди. Инobat МАТЌУБОВА

О Реклама ва эълонлар

Қорақалпоғистон Республикаси

# ШОГИРДЛАР КАМОЛИДА УСТОЗЛАР МЕҲРИ БОР

Шуманай тумани "Бежжап" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-умумтаълим мактаби капитал таъмирланиб, 273 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Ушбу мактабда замонавий мебель жиҳозлари, ағаб-анжомлар, компьютер жамланмалари, дарслик, ўқув адабиётлари билан таъминланган фан ва ўқув-лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали келажакимиз ворислари ихтиёрида.

— Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди "Бежжап" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 9-умумтаълим мактаби директори Полат Нурғалиев. — Нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки энг чека қишлоқларимизда ҳам замонавий умумтаълим мактаблари билан бирга, академик лицей ва касб-хунар коллежлари фаолият олиб бормоқда. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда туман умумтаълим мактаблари, мактабга таълим муассасаларининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланмоқда. Маҳаллий бю-

жет ҳисобидан шу пайтгача туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 172 миллион сўмлик, 10-умумтаълим мактабиде 68 миллион сўмлик, 20-умумтаълим мактабиде 65 миллион сўмлик, 19-умумтаълим мактабиде 140 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Таълим соҳасига қаратилётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида қатор ютуқларға эришилмоқда. Тумандаги умумтаълим мактабларининг 5-8 синф ўқувчилари "Биллимарк беллашуви"да фаол иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой эгалламоқда. Улардан 1-

умумтаълим мактабининг ўқувчиси Меҳрибон Шукруллаева, 33-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг ўқувчиси Нарғиза Бекмуратова танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи, 9-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Дилшодбек Жумағалиев, 33-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг ўқувчиси Юлдузхон Жумабоева учинчи ўринларни эгаллаб бўлса, яқуний босқичида Меҳрибон Шукруллаева география фанидан, Нарғиза Бекмуратова эса ўзбек тилидан юқори бал жамғариб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Тумандаги 27-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Замира Алланиязова "Йилнинг энг фаол директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари" кўрик-танловининг Қорақалпо-

ғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллади. Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюмлари бирлашмаси томонидан Болалар бадий жамоалари ўртасида ўтказилган "Истиқлол гунчалари" кўрик-танловида 14-умумтаълим мактабининг "Шўх қизлар" гурӯҳи голиб бўлди. Бундан ташқари, 27-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Нарғиза Янпоя Тошкент шаҳрида ўтказилган "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танловида, 7-умумтаълим мактабининг ўқувчиси Жулдиз Алписбоева Навоий вилоятида ўтказилган "Камалат юлдузлари" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Ҳа, жонқуяр устозлар ўз касб байрами-ни шундай натижалар билан кутиб олишмоқда. Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ИКСЕЗ ХОКИМИЯТА НОВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

ПО ОБЪЕКТАМ:  
1. «Реконструкция «Ешлар маркази» г.Навоий Навоийской области». Стартовая стоимость заказка составляет без НДС 628 348 098 сум, с НДС 754 017 717 сум.  
Срок окончания работ, установленный заказчиком 2 месяца.  
2. «Реконструкция Хокимията Карманского района Навоийской области». Стартовая стоимость заказка составляет без НДС 1 464 435 809 сум, с НДС 1 757 322 971 сум.  
Срок окончания работ, установленный заказчиком 2 месяца.  
Заказчик ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.  
Расположенный г.Навоий, ул.Навоий 63.  
Финансирование проектов будет осуществляться за счет средств местного бюджета.  
(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)  
С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.  
Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление ука-

## АГРОТЕХНИКА

Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025  
Бог ва ферма учун тракторлар  
Гусеницали тракторлар  
Прессподборщик  
Ўзаоя ўрадиған комбайн  
Ўт ўрадиған комбайн  
Мақка ўрадиған комбайн  
Жўжори йиғувчи комбайн  
Косилка КИР 1,5  
Сомон йиғувчи мосламалар  
Картошка терадиган комбайн  
Картошка экадиган комбайн  
Бугдой экадиган саялка  
Пахта экадиган саялка  
Дори сепадиган мосламалар  
Сачратиб сугорувчи мосламалар  
Ем майдалаб тарқатувчи техника  
Култиваторлар  
Плуг, айланма плуг, дискали плуг  
Чизель, борона  
Экскаватор погрузчик, бульдозер  
Трансеекатель, ямобур  
Сайт: www.sninvest.uz  
E-mail: info@sninvest.uz  
Махсулот сертификатланган  
Буюртма асосида

Тошкент вилояти ер тузиш ва қўшас мулк кадастри хизмати томонидан Джалолов Хайрулла номига Тошкент вил. Қўш Чирчиқ т. Истиқлол Қўй Бетурний фўи Илмолоб маҳалласи рақамис ўй учун расмийлаштирилган № 11060401050627 рақамли кадастр хужжатлари йўқолганили сабабли бекор қилинди.  
ООО "BRUNO SERVIS" (ИНН 204976050) зарегистрированное ИПСР Сергеевичего р-на (реестр № 00133-06) расположенное по адресу: Спутник-9-67 объявляет о преобразовании в ЧП "BRUNO SERVIS". Поворотнымном по всем обязательствам является ЧП "BRUNO SERVIS". Претензии по тел.: +99895 194-77-05.  
ООО "UNIVERSAL NICE BUILDING" (ИНН 301455406) зарегистрированное ИПСР Сергеевичего р-на (реестр № 00243-06) расположенное по адресу: пр. Нилуфар-1 объявляет об уменьшении уставного фонда с 253 765 700 сум до 5 000 000 сум. Претензии по тел.: +99893 556-86-74.  
ООО "DEUTSCHE KONSTRUKTION GESELLSCHAFT" (ИНН 301003556) переерегистрированное ИПСР при Комитете М.Улбаского р-на г. Ташкент (реестр № 00286-04, 22.09.2014 г.) реорганизуетя путем присоединения к СПАО "DEUTSCHE KABEL AG TASHKENT".  
Тошкент Тибийет Академияси томонидан 2008 йда Иноатов Джиамиди Рустамович номига берилган № 292690 рақамли диплом йўқолганили сабабли бекор қилинди.

## ШОШИЛИНГ, ЧЕГИРМАЛАР!

Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хужалиғи техникаларини таклиф этамиз:  
1. Экскаватор-погрузчиклр ЭП-25 (МТЗ 82.1)  
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)  
3. Пресс-подборщиклар (PVP-351 Claas лизензияси асосида)  
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)  
5. Омчлар  
6. Картошка экиш саялкаси ва картошка қовлаш агрегати  
7. Бошқа турдаги қишлоқ хужалиғи техникалари  
Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.  
Лизинг хизматлари мавжуд.  
Манзи: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқаро Бизнес Маркази 3-қават.  
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 205-01-20, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80.  
Омборнинг маълумоти: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҶАЙ Янгиобод бозори яқинида (Promzona.uz).  
Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРҶИда (реестр № 003721-10, 21.04.2008 й.) давлат рўйхатида олинган "EL DORADO-ELITE" МҶК (СТПР 300610933) 24.09.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан туғатиш жараянига киритилди. Даво талаблари 2 ой мудат ичиде Тошкент ш. Юнусобод т. Марказ-5 1-ўй 14-хонадақа қабул қилинди.  
Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРҶИда (реестр № 002524-10, 19.12.2006 й.) давлат рўйхатида олинган "INT'ELLECT INVEST" МҶК (СТПР 300648418) 25.09.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан туғатиш жараянига киритилди. Даво талаблари 2 ой мудат ичиде Тошкент ш. Юнусобод т. 19-мавзе 49-ўй 16-хонадақа қабул қилинди.  
"BAKTURO EKLIZIV BIZNES" МҶК (ИНН 301449475) Юнусобод т. ТСРҶИда (реестр № 005582-10, 19.01.2010 й.) давлат рўйхатида олинган "BAKTURO EKLIZIV BIZNES" МҶК 23.09.2014 й.даги 1-сонли мажлис баённомасига асосан туғатиш жараянига киритилди. Даво талаблари 2 ой мудат ичиде Тошкент ш. Юнусобод т. 19-мавзе 15-ўй 43-хонадақа қабул қилинди.  
Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРҶИ томонидан (07.10.2010 й.), реестр № 006080-10 рўйхати олинган "YUMSHOG JO'JA" МҶК (ИНН 301515942) Юнусобод т. ТСРҶИ томонидан (23.02.2009 й.), реестр № 004522-10) рўйхати олинган "ZYODANA-SHIRIN" МҶК (ИНН 301073620) таркибига тўлиқ қишчи хизмат "ZYODANA-SHIRIN" МҶК "YUMSHOG JO'JA" МҶКнинг баъша хуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда худди дағи тўлиқ хуқуқий возикати айланганини маълум қилди. Манзил: Юнусобод т. 19-мавзе 37-ўй 4-хонада.  
ООО "Tashkent Tobacco" объявляет об уменьшении уставного фонда с 337 500 000 сум на 331 811 500 сум.  
Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҶИда (реестр № 006367-01, 06.03.2014 й.) давлат рўйхатида олинган "AKMAL SHAMS" МҶК (СТПР 302857728) 20.09.2014 й.даги таъсисчининг қарорига асосан туғатишди. Даво талаблари 2 ой мудат ичиде Тошкент ш. Учтепа т. 15-мавзе 28-А ўй 53-хонадон манзили бўйича қабул қилинди. Тел.: +99890 932-23-05.  
"DIYOR METAN GAZ" МҶКга тегишли бўлган Тошкент вил. Зангиота т. "Қўсарой" Қўй Шифобах сувар кучасида жойлашган омборхона бина ишоотиға, Зангиота т. Хужалиқ хисобидеги ер тузиш ва қўшас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан 08.04.2014 й.даги № 1357-сонли берилган маълумотнома йўқолганили сабабли бекор қилинди.  
Тошкент ш. Юнусобод т.да жойлашган Тошкент Давлат Юридик институти томонидан 21.06.1995 й.да Абдулжабаров Маржон Мураббичига берилган № 089638 рақамли диплом йўқолганили сабабли бекор қилинди.  
Тошкент ш. Олмазор т.да жойлашган Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги академик лицейи томонидан 2012 й.да Мухомедова Нилгоза Вахитов қўли номига берилган Л. № 154603 рақамли диплом йўқолганили сабабли бекор қилинди.  
Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРҶИ томонидан (реестр № 009088-10, 10.04.2014 й.) рўйхати олинган "XASHIMOV RAMZ SHIXRATOVICH" ХК (ИНН 302990044) туғатилиди (таъсисчининг 03.09.2014 й.даги қарорига асосан). Даво ва эътироф эълон чоп этилган кундан эълонбори 2 ой мудат ичиде Юнусобод т. 14-мавзе 44-ўй 44-хонадон манзилида қабул қилинди.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ  
Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.  
Тахрир хайъати: Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМООНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНУРБЕКОВ, Абдувахоб ТАМИКАЕВ, Махму ТОНИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баходир ХОЛИКОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул қотиб).  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Телефонлар: Кабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Иجتимой-сиёсий ва хуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Манавият ва марйфат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.  
Худудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фаргона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 919-85-60; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.  
Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар қўчаси, 32-ўй  
E-mail: info@qishloqhayoti.uz  
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилиди ва саҳифаланди.  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида босилди.  
Манзили: "Босма Турон" қўчаси, 41-ўй.  
Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ  
Муассисх: Х.АБДУҒАНИЕВ  
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА  
Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.  
Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.45  
16240 нусхада босилди. Нашр индекси — 144  
Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар қўчаси, 32-ўй  
E-mail: info@qishloqhayoti.uz  
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилиди ва саҳифаланди.  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида босилди.  
Манзили: "Босма Турон" қўчаси, 41-ўй.  
1 2 3 4 5